

Судланганнинг ҳаракатлари нотўғри квалификация қилинганлиги сабабли суд қарорлари ўзгартирилди.

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди апелляция инстанциясининг 2013 йил 29 октябрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон шаҳар судининг 2013 йил 24 сентябрдаги ҳукмига кўра, Р. Жиноят кодексининг 270-моддаси 1-қисми билан 2 йил, 25,273-моддаси 5-қисми билан Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланиб, 8 йил, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида 8 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, Жиноят кодексининг 96-моддасига асосан гиёҳвандликдан тиббий йўсиндаги мажбурий даволаш чораси қўлланилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Р. Каттақўрғон шаҳридаги уйда келгусида ўтказиш мақсадини кўзлаб, таркибида гиёҳвандлик воситалари бўлган бир туп "кўкнор", 12 туп "каннабис" тақиқланган экинларини экиб, парваришлаб келаётганлиги 2013 йил 5 июль куни ўтказилган тезкор тадбир вақтида аниқланиб, тақиқланган экинлар ашёвий далил тариқасида олинган.

Судга оид кимёвий экспертиза хулосасида таркибида гиёҳвандлик воситалари бўлган "кўкнор" ўсимлигининг қурук ҳолдаги оғирлиги 2,64 грамм, "каннабис" ўсимлигининг қурук ҳолдаги оғирлиги 1.008 грамм эканлиги кўрсатилган.

Судга оид наркология экспертиза хулосасига кўра, Р. гиёҳвандлик ("наша" чекиш) касаллиги билан оғриши ва мажбурий даволанишга муҳтожлиги аниқланган.

Р. дастлабки тергов ва судда, "наша" гиёҳвандлик воситасини чекиш йўли билан истеъмол қилиб келиши, гиёҳвандлик воситасини

сотиш билан шуғулланмагани, яшаш жойида ўзининг истеъмоли учун тақиқланган экинларни экиб, парваришлаб келгани ҳақида кўрсатма берган.

Олий суд Пленумининг 1995 йил 27 октябрдаги "Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида"ги қарори 6-бандида, айбдорда қонунга хилоф равишда тайёрланган, олинган, сақланаётган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсади борлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда (Жиноят кодексининг 273-моддаси) судлар бу восита ёки моддалар ҳақиқатан ҳам ўтказиш учун тайёрланганлигини намоён этувчи далиллар мажмуига асосланиши лозимлиги, масалан, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилиши кабилар экани тушунтирилган.

Жиноят ишида Р.нинг гиёҳвандлик воситасини сотиш мақсади бўлганлигидан далолат берувчи далиллар мавжуд эмас.

Бироқ Р.нинг уйида аниқланган, таркибида гиёҳвандлик воситаси сақловчи ўсимликлар миқдори уни шахсий истеъмолидан ортиқчалиги, Р. "каннабис"дан ташқари тақиқланган "кўкнор" экинни ҳам парваришлангани, уни гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсади бўлганлигини кўрсатиши суднинг эътиборидан четда қолган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2014 йил 14 августдаги ажрими билан Р.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилиб, Р.нинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 25,273-моддаси 5-қисмидан 25,273-моддаси 2-қисмига қайта квалификация қилиниб, шу модданинг шу қисми билан 5 йил

озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, Жиноят кодексининг 270-моддаси 1-қисми билан тайинланган жазо аслича қолдирилиб, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида, узил-кесил 6 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

№5-110-14 назорат иши